2019 йил 12 февраль, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 25 (13.872)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатда ижтимоий етимликнинг олдини олиш, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом оила қуришга масъулият билан ёндашишни тарғиб қилиш, оилавий қадриятларга маънавий-ахлоқий муносабатни шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Кўрилган чора-тадбирлар тарбия муассасалари ва уларда тарбияланаётган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини сезиларли равишда камайтиришга ёрдам берди.

Шу билан бирга, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шаклларини кенг жорий этиш, айниқса, уларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш (патронат), шунингдек, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чоралар кўриш талаб этилмоқда.

Ижтимоий етимликни янада камайтириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш, тарбия муассасаларининг иш фаолиятини яхшилаш, шунингдек, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

**2019 йил 1 мартдан** "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячилари, шунингдек, барча турдаги халқ таълими муассасалари тарбиячиларининг базавий тариф ставкасини **1,5 баробарга** ошириш ва уни умумтаълим мактабларининг тегишлича раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкасининг **75 фоизи** даражасида белгилаш;

**2019 йил 1 октябрдан** "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасалари олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштириш, бунда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбиячилари учун кўзда тутилган устамани бекор қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

**2019 йил 1 мартдан** бошлаб оилага тарбияга олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори **1,33 баробарга** оширилиб, **820 000 сўмни** ташкил қилади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

**2019 йил 1 октябрдан** бошлаб жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи лавозим маошининг **75 фоизи** миқдорида тўланади;

васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда **170 000 сўм миқдорида** компенсация тўланади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

болалар уйлари, ногирон болалар учун "Мурувват" интернат уйлари ҳамда сил касаллигига қарши болалар санаторийси тарбиячиларига тегишли тоифадаги давлат мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкаси миқдорлари қўлланилади;

*(Давоми 2-бетда)*

### ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

## МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида "Ўзбекистон – Германия маданий-гуманитар ҳамкорлигининг долзарб масалалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.***

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Конрад Адэнауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармаларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари К.Эшонхўжаев, Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Г.Оверфельд ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни янги босқичга олиб чиққанини таъкидлади.

– Ўзбекистон билан Германия ўртасида фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик узоқ йиллик тарихга эга, – деди Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гюнтер Оверфельд. – Кейинги пайтларда фан, маданият, олий таълим, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, тил ўрганиш, маданий ёдгорликлар ва қадриятларни тиклаш каби йўналишларда икки томонлама алоқалар жадал ривожланмоқда.

Давра суҳбатида мактаб таълимида немис технологияларидан самарали фойдаланиш, жумладан, "Мактаблар: келажак шериклари" (PASCH) ташаббусини амалга ошириш, икки халқ ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш истиқболлари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Бугунги кунда юртимизда 19 мингга яқин талаба немис тилини ўрганмоқда. Умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган немис тили ўқитувчилари 3 мингдан зиёд. 800 дан ортиқ ўзбекистонлик талаба ва илмий тадқиқотчи Германия олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Илғор хориж тажрибасини ўрганиш, турли соҳадаги замонавий технологияларни Ўзбекистонда жорий этишни ўз ичига олувчи шу каби имкониятлар тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Германия академик алмашувлар хизмати, Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Адэнауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар ваколатхоналари, Немис халқ университетлари ассоциациясининг халқаро ҳамкорлик бўйича институти ташкилотлари томонидан яратилмоқда.

Ўзбекистонда яшовчи немис миллатига мансуб фуқароларнинг "Видергебурт" маданият маркази, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги немис маданият марказлари ҳам маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мулоқотда томонлар Ўзбекистон – Германия маданий-гуманитар ҳамкорлиги истиқболлари бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берди.

**Малоҳат ҲУСАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ 2017-2021

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжумани шундай номланди.***





### АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ:

## КЕЧАГИ КУН ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Унда сўз олганлар мамлакатимиз автомобилсозлик саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазкур соҳанинг истиқболини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этди.

Мамлакатимизда автомобилсозлик саноати иқтисодиётнинг асосий омилларидан бирига айланган. Бугунги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган автосанот корхоналари жаҳондаги нуфузли компаниялар билан манфаатли муносабатларни ўрнатишга асосланган ривожланиш стратегиясини татбиқ этмоқда. Бу эса жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти раиси ўринбосари Азизбек Шукуровнинг таъкидлашича, жамият таркибида 75 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 40 таси заводлардир. Тизимда 27 минг ходим меҳнат қилади. 2018 йил натижаларига кўра, жами 3,5 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 8 фоизини ташкил қилади. Ўтган йили мамлакатда 220 минг енгил автомобиль ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2 баробарга кўп. Жорий йил эса 250 минг енгил автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилган.

"GM Uzbekistan" акциядорлик жамиятининг юртимиз автосаноати ривожида алоҳида ўрни бор. Корхона ўз маҳсулотларини Россия, Қозоғистон, Украина, Беларусь, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Иордания, Ливан, Ироқ ва бир қатор Африка давлатларига экспорт қилмоқда. Жанубий Корея, Бразилия, АҚШ, Европа давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга эришилди.

Жамият 2018 йилда 25,5 миллион долларлик автомобиль ва эҳтиёт қисмлар экспорт қилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 118,6 миллион долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўтган йил 100 дан ортиқ бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди. Бу маҳаллийлаштириш даражасини 3 фоизгача ошириш, 14,6 миллион долларлик йиллик импортни қисқартириш имконини берди.

Жамиятнинг жорий йилги режаси эса 240 дан ортиқ бутловчи қисмларни маҳаллийлаштиришдир. Бу йиллик импортни 17 миллион долларга қисқартириш демакдир.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

## "АДЛИЯ АХБОРОТИ"ДА ЯНГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказида қонун ҳужжатларининг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамиятини аҳолига етказиш бўйича "Адлия ахбороти" туркумида брифинг ташкил этилди.***

Унда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги мутахассислари Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти хусусида маълумот берди.

Маълумки, охирги 5 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" рейтингида Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146-ўриндан 76-ўринга кўтарилди. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ва тартибга солиш жараёнларини такомиллаштириш, қулай бизнес муҳитини ва халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий нуфузини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди.

– Бироқ бу борадаги ишлар самарадорлигини яхшилаш мақсадида соҳаларда ҳали яна кўплаб тизимли ишларни амалга ошириш зарур, – дейди Давлат хизматлари агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Адҳам Баротов. – Мазкур ҳужжатда қурилишга рухсатномалар олишда, мулкни рўйхатдан ўтказишда ва ташқи савдо операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари дуч келаётган ортиқча бюрократик тартиб-таомиллар ҳанузгача сақланиб қолаётгани қайд этилган. Бундан ташқари, "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида мамлакатнинг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чоралар кўриш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, 2022 йилга келиб республиканинг 20-ўринга эришишини назарда тутувчи Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашнинг "Бизнес юритишни яхшилаш – 2022" мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатга кўра, 2019 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда банк ҳисоб рақамларини масофадан туриб очиши мумкин. Қурилиш органларига архитектура-шаҳарсозлик кенгашларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш функциялари ушбу кенгашларда фақат тарихий ҳудудлар, шу жумладан, маданий мерос ёдгорликларини қўриқлаш ҳудудлари, шунингдек, давлат объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш функцияларини сақлаб қолган ҳолда ўтказилади.

Тадбирда мутахассислар томонидан якунланаётган жорий ҳафта давомида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мавзу юзасидан журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

**Абдулазиз МУСАЕВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдаги сессиясида оилани, унинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.**

**• Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманига Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси ижодий сафар билан келди. Жамоа қозоқ драматурги Мухтор Авезов асари асосида саҳналаштирилган "Абай" спектаклидан парча намойиш этди, мирзачўллик театр ихлосмандлари билан учрашувлар ўтказди.**

**• Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Британия Кенгаши, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда ушбу таълим муассасаси ҳузуридаги Чет тилларини ўқитиш инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази ҳамкорлигида "Инглиз тилини ўқитишда муваффақият омиллари ва вазифалари" мавзуида халқаро форум ташкил этилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмларида Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Лотин Америкасидан икки мингга яқин ноқонуний муҳожирларнинг АҚШ томонга келаётганини эшитган чегара атрофида истиқомат қилувчи кўп сонли аҳоли Мексика ва АҚШ давлатлари чегарасида жонли девор ҳосил қилишди. Улар бу ерга тўсиқ ўрнатилишини қўллаб-қувватлаб, бу одам савдосининг, наркотик, гиёҳванд моддаларнинг ва ноқонуний муҳожирларнинг кириб келишининг олдини олишини таъкидладилар.**

**• Англия пойтахти Лондон шаҳрида Жанубий Африка Республикасининг биринчи қора танли президенти, Тинчлик бўйича Нобель мукофоти лауреати Нельсон Манделанинг ҳаёти ва меросига бағишланган интерфаол кўргазма очилди. Бу ерга ташриф буюрувчилар вақт бўйлаб сайр қилган ҳолда 150 га яқин ноёб экспонатлар билан танишишлари мумкин бўлади. Ушбу кўргазма 2 июнгача ўтказилади, сўнг жаҳоннинг турли мамлакатлари бўйлаб давом этади.**

**• Миср пойтахти Қоҳира шаҳридан 300 километр узоқликда 9 метр чуқурликдан 50 дан зиёд мўмиёланган таналар топилди. Уларнинг орасида болалар жасадлари ҳам бор. Мутахассислар ушбу ноёб топилмани эрамиздан аввалги VI-I асрларга тааллуқли эканлигини тахмин қилмоқдалар ва уларни ўрганиш ишлари бошлаб юборилди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*• Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида "BUSINESS CITY" лойиҳаларининг тақдимоти ўтказилмоқда.*

*• Тошкент давлат техника университетида "ROBOT-UZ 2019" робототехника республика танлови бўлиб ўтди.*

*• Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан спортни оммалаштириш ҳамда соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш мақсадида спорт тадбири ўтказилди.*

*• "Тошкент-Бишкек" халқаро автобус рейси қайта йўлга қўйилди.*

*• Ёнғин хавфсизлиги институтида "Аҳоли турар жойларида ёнғинлар профилактикаси ва фуқароларнинг ис газидан заҳарланишининг олдини олиш" бўйича "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди.*

*• Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида турк тили ва маданияти маркази очилди.*

*• Алишер Навоий номидаги кино саройида "Мангулик калити" ҳужжатли фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

*• "Ўзбек давлат цирки" ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ўртасида Меморандум имзоланди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

оилавий болалар уйлари тарбияловчи ота-оналарининг базавий тариф ставкаси "Меҳрибонлик" уйлари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкасининг **икки баробари миқдорида ҳисобланади**, бунда меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун амалдаги устама ҳақи бекор қилинади ва "Меҳрибонлик" уйлари тарбиячилари учун белгиланган ҳар йилги таътиллар, имтиёзлар ва кафолатлар бериш тартиби сақлаб қолинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларига 1 та психолог штат бирлиги, тарбияланувчилари сони 200 нафардан ортиқ бўлган "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларига 2 та психолог штат бирликларини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил давомида "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий компьютер синфларини очиш, тарбияланувчиларни замонавий компьютер дастурлаш кўникмаларига ўқитишни ташкил қилиш ва ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассислар тайёрланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, "Меҳрибонлик" уйларини босқичма-босқич кам комплектли болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларига ўтказиш мақсадида 2019 йил 1 июнга қадар муддатда **2019-2023 йилларда "Меҳрибонлик" уйларини ноинституционаллаштириш дастурини** ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйларининг тарбияловчи ота-оналарини танлаш ва кузатиб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги ва бошқа давлат органларининг "Ишонч телефонлари" орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил қилсин, шунингдек, "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларида зарур алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилишини, "Ишонч телефонлари" узлуксиз ишлашини ҳамда улардан тарбияланувчиларнинг эркин фойдаланишини таъминласин.

4. **Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича "Йўл харитаси"** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

оилавий васийлик ва ҳомийликнинг турли шаклларини яратишга кўмаклашсин;

2019 йил 1 июнга қадар "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларининг ҳудудлари ва хоналари видеокузатув камералари билан жиҳозланишини таъминласин, видеоёзувлар махсус архивда камида бир ой давомида сақланишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларидаги видеокузатув камераларининг техник созлиги ва узлуксиз ишлашини, кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида архивлаштиришни таъминласин.

6. **Васийлик ва ҳомийлик органлари, "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйлари ҳамда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун бошқа тарбия муассасалари**:

давлат нотариал идоралари, Давлат хизматлари марказлари, ФҲДЁ ва ички ишлар органлари, давлат тиббиёт ва бошқа муассасалар орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилишда **давлат божи ва бошқа тўловлардан озод этилсин.**

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда харажатлар сметасини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг соҳага ихтисослаштирилган муассасаларида тиббиёт тизими педагогик ходимларининг малакасини ошириш учун маблағларни назарда тутсин.

Белгилансинки, асосий ишидан ажралган ҳолда педагог ходимларнинг малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларга ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи сақланади.

8. Қуйидагилар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар (туман) ҳокимлари:

"Меҳрибонлик" уйларига кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болалари ҳамда ота ёки онадан бирига эга болаларни вақтинчалик жойлаштириш бўйича қарорларнинг асослантирилганлиги;

уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ўз вақтида турар жойлар ажратилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш учун шахсий жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар жойлар ажратилиши устидан назоратни кучайтирсин.

9. Тижорат банкларига етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга, шу жумладан, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларга **ёш оилалар учун назарда тутилган шартларда, кўп квартирали уйлардан квартира сотиб олиш** мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари, **шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кредитлар ажратиш тавсия этилсин.**

Белгилансинки, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг дастлабки бадали Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший ва турар жой шароитларини яхшилаш мақсадида, шаҳарлар ва қишлоқ жойларида арзон кўп квартирали уйларни қуриш параметрларини шакллантиришда, 2020 йилдан бошлаб уй-жойга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга имтиёзли ипотека кредити бериш асосида сотиш учун уйлар қурилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ишга жойлаштирилиши устидан тизимли мониторинг механизмини ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

"Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчиларини дастурлаш кўникмаларига ўргатиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлаш мақсадида уларнинг Интернет тармоғига уланиши ва компьютерлар билан жиҳозланишини, бунда 10-11 синф ўқувчиларига "ахборот-коммуникация технологиялари" йўналишида етакчи ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун шароитлар яратилишини;

электрон ўқув, шу жумладан, компьютер дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасидаги материаллардан фойдаланиш мақсадида "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларининг "ZiyoNET" таълим тармоғига уланишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2019 йил 1 апрелга қадар етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларнинг тутинган ота-оналари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилинишини таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда кўзда тутилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин, шунингдек, ҳар йили Давлат бюджети параметрларида ушбу кўрсатилган мақсадлар учун маблағни назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 11 февраль*

---

***Президентимиз солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг пасайтирилиши, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишига, ҳалол солиқ тўловчилар орасида рақобатнинг тенглигини таъминлашга, хуфёна иқтисодга барҳам беришга потенциал захира сифатида қараб келмоқдалар.***

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ОРАСИДА РАҚОБАТ ТЕНГЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Шу боисдан ҳам, солиқ солиш соҳасида охирги йилларда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида солиқ тўловчиларнинг зиммасидаги солиқ юкини камайтириш масалалари алоҳида ўрин тутади. Хусусан, 2018 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирлаштирилиб базавий ставкаси 15,5 фоиздан 14 фоизга пасайтирилди.

Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасиға мажбурий ажратмалар ягона тўловга – унинг ставкасини 3,2 фоиз миқдорида белгилаган ҳолда мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлови этиб бирлаштирилди.

Аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш мақсадида якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 30 фоизга пасайтирилди.

"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан солиқ қонунчилиги ҳужжатларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган энг муҳим вазифаларнинг ҳуқуқий асослари бўлди десак хато бўлмайди. Жумладан, ушбу қонун ҳужжатлари билан қонун ҳужжатларини тўғридан-тўғри амал қилиш принципини таъминлаш мақсадида, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, юридик шахсларни мол мулк солиғи ва ягона ижтимоий тўлов ставкалари Солиқ кодексининг ўзида белгиланди.

Мисол учун, Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди билан боғлиқ солиқ юки кескин камайтирилиб, фуқароларнинг Пенсия жамғармасига 8 фоиз миқдоридаги суғурта бадали тўлови бекор қилинди.

Ягона ижтимоий тўловининг амалдаги 15 ва 25 фоизлик ставкалари 12 фоизгача пасайтирилади. Бюджет ташкилотлар, давлат ташкилотлари ва давлат улуши 50 фоиздан ва ундан кўп бўлган корхоналар бундан мустасно.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 0, 7, 5, 16,5 ва 22,5 фоизлик прогрессив шкаласи бекор қилинди ва 12 фоизлик ягона ставка белгиланди.

Бунда Солиқ кодексининг 180-моддасида назарда тутилган, яъни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек, ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий судлар судьялари, шунингдек, прокуратура органларининг мансаб даражаларига эга бўлган ходимларига солиқ озод қилиниши тарзда берилган имтиёзлар бекор қилиниб бу тоифадаги жисмоний шахслар ҳам 2019 йилдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлайдиган бўлди.

Маҳсулотнинг таннархи ўсишига бевосита таъсир кўрсатиб келган давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг айланмасидан 3,2 фоиз миқдорида ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилинади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизгача, Ўзбекистон Республикаси резидентларига тўланадиган дивидендлар ва фоизлар тарзда тўланадиган даромадларга солиқ ставкаси 10 фоиздан 5 фоизгача, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлар учун эса дивидендлар ва фоизларга солиқ ставкаси 10 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Цемент, полиэтилен гранулалар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун юқори фойда солиғи ҳамда асосий фаолият тури мобиль алоқа хизматлари кўрсатадиган юридик шахсларга рентабиллик даражасига қараб 14 фоиздан 50 фоизгача ставкада олинадиган солиқ бекор қилиниб, ягона 20 фоизлик ставкада фойда солиғи жорий қилинди.

Ягона солиқ тўловининг базовой ставкаси 5 фоиздан 4 фоизга туширилди. Шунингдек, солиқ солиш объектига эга бўлган барча ягона солиқ тўловчилар учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаши тартиби жорий қилинди.

Солиқ ставкаларнинг бундай тарзда пасайтирилиши орқали ҳалол солиқ тўловчилар зиммасига тушаётган солиқ юкининг камайтирилиши албатта бюджет ва мақсадли жамғармаларга белгиланган прогноз кўрсаткичларининг ижросига салбий таъсир кўрсатади.

Бу салбий таъсирнинг олдини олишнинг ягона йўлларидан бири солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўлиб, қабул қилинган юқоридаги қонун ҳужжатларида ушбу масалалар ҳам алоҳида назарда тутилди. Жумладан, соддалаштирилган ягона солиқ тўлови режимида солиқларни тўлашни танлаш ҳуқуқига эга бўлишнинг амалдаги мезонларига ўзгартиришлар киритилиб, 2019 йил 1 январдан бошлаб, солиқ давридаги товар айланмаси (ялпи тушум) 1 млрд. сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар ягона солиқ тўлови режимида солиқларни тўлашни танлаш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилди.

Солиқ давридаги ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошадиган юридик шахслар эса бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига Солиқ кодексининг 23-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган умумбелгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари белгилаб қўйилди.

Солиқ даври давомида ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмайдиган юридик шахслар, шу жумладан ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланган юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бунда қурилиш ташкилотлари 8 фоизлик ставкада, чакана, улгуржи, шунингдек, улгуржи-чакана савдо корхоналари 6 фоизлик ставкада, умумий овқатланиш ва меҳмонхона хўжалиги корхоналари 10 фоизлик ставкада, касбий хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар 15 фоизлик ставкада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қиладиган юридик шахслар, ўзининг ишлаб чиқариш маҳсулотлари бундан мустасно 4 фоизлик ставкада ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги бошқа юридик шахслар 7 фоизлик фарқланган ставкада қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин бўлади.

2019 йилнинг 1 январидан кейин сотиб олинган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинадиган бўлди.

Чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар рўйхатига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Аввал, солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланадиган харажатлари рўйхати ёпиқ, чегирилмайдиган харажатлар рўйхати очиқ бўлган бўлса, солиқ солинадиган базани аниқлашни соддалаштириш, солиқни ҳисоблашда хатоликларнинг олдини олиш ва текширишларда мунозарали ҳолатларга барҳам бериш мақсадида 2019 йилдан чегирилмайдиган харажатлар рўйхати ёпиқ, чегириб ташланадиган харажатлари рўйхати очиқ бўлди.

Маҳсулот, ишлар ва хизматлар таннархини пасайтириш мақсадида асосий воситаларнинг алоҳида тоифалари бўйича солиқ солиш мақсадида амортизация ставкалари ўзгартирилди.

Бунда амортизация ажратмалари бинолар ва иморатлар учун – 5 фоиздан 3 фоизга, темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби, денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари, ҳаво транспорти учун – 8 фоиздан 4 фоизга пасайтирлди.

**Ойбек ТОШПУЛАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори**

---

*Чилонзор тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2019 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга мувофиқ,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 604 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун 9,6 фоиз жами 5726 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари 0,94 фоиз – 559,5 та;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари 4,1 фоиз – 2441 та;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари 0,64 фоиз – 382,5 та;

ногиронлар учун 3 фоиз (1790 нафар юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 101 та бўлганлиги сабабли, келгусида 1689 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакали талаб қилмайдиган иш ўринлари 0,58 фоиз – 345 та;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари 0,08 фоиз – 49 та;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлик ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари 0,26 фоиз – 159 та.

2. Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2018 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2019 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этилсин.

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси юзасидан "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Низом"нинг талабларига қатъий риоя этилсин.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Чилонзор туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (О.Қурбонов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.chilonzor.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Чилонзор туман ҳокимининг 2017 йил 4 декабрдаги "Чилонзор туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 1304-сонли қарори 2018 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Каримов зиммасига юклатилсин.

**Чилонзор тумани ҳокими**
**С.Махаметов**

*2018 йил 25 декабрь*

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА

***Юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим тизими тубдан такомиллаштирилиб, соҳага қатор янгиликлар жорий этилди. Ана шундай янгиликларнинг бири сифатида ота-оналар ва жамоат тузилмалари МТМ бошқаруви бўйича ваколатга эга бўлди.***

Пойтахтимиздаги 154-мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган тадбир Кузатув кенгаши фаолияти масалаларига бағишланди.

Тадбирда Президентимизнинг 2018 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берилди. Сўнгра очиқ овоз бериш орқали кенгаш раиси ва котиби ота-оналар орасидан сайланди.

Тадбирда Кузатув кенгашининг мазмун-моҳияти, аъзолари, номзодлар таркибидан МТМ раҳбарини сайлаш, режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш ваколатига эга эканлиги хусусида маълумот берилди.

Эндиликда Кузатув кенгашлари фаолияти мактабгача таълим муассасаси бошқаруви тизимини тубдан ўзгартиради. Янги Низомга кўра, кенгаш аъзолари МТМ маблағларини сарфлаш, молиявий кирим ва чиқим, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда ҳомийлар маблағлари бўйича ҳисобот қабул қилиш, мактабгача таълим муассасаси ходимлари фаолияти бўйича сўровлар ўтказиш, устувор масалаларни белгилаш, уларнинг ижросини назорат қилиш каби ваколатларга эга бўлади. Муассасада ҳар чоракда бир марта Кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилади. Ота-оналарнинг ҳар бир таклифи ўрганилиб, талаб ва таклифлар амалиётга жорий этилади.

Мактабгача таълим вазирлиги пойтахтимиз ва бошқа ҳудудлардаги мактабгача таълим муассасаларини ўзбек ва рус тилларидаги бепул босма материаллари билан таъминлаш бўйича кенг кўламли дастурни бошлади. Мазкур дастур асосида 154-мактабгача таълим муассасасининг Кузатув кенгаши аъзолари томонидан тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларига ривожлантирилувчи босма материаллар тарқатилди.

**Гулюз ОРИФЖОНОВА**

**Ёшлар – келажагимиз**

# ИМКОНИЯТЛАР БИЗ УЧУН

***Бугун юртимизда аҳолининг барча қатламлари, хусусан биз, ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан унумли фойдаланаётган ёшлар кўпгина ютуқларни қўлга киритмоқдалар.***

Айниқса тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар учун имтиёзли кредитларнинг ажратилаётганлиги бу уларнинг ўз иқтидорларини янада намоён этишга шу орқали мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларда фаол қатнашишга ва тенгдошлари учун ҳам имкониятлар эшигини очишларига ёрдам бермоқда. Бу ёш тадбиркорлар сонининг ошишига туртки бўлмоқда.

Спорт соҳасида ютуқларга эришаётган тенгдошларимиз ҳам бугун кўпчиликни ташкил этмоқда. Улар спортнинг кўпгина турлари бўйича халқаро мусобақаларда иштирок этиб юртимиз байроғининг жаҳон ареналарида юқори кўтарилишига ҳисса қўшмоқда.

Яқинда китобхонлик танлови бўйича ғолиб бўлган самарқандлик ўқувчи қизнинг "Спарк" автомашинаси билан тақдирланганини кўрган ҳар бир ёшда ҳавас ҳисси уйғонган бўлса ажабмас. Буни албатта ёш китобхоннинг иқтидорига берилган юксак баҳо деб ўйлайман.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Буларнинг бари албатта юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг ватанпарвар, комил, ватан корига ярайдиган, баркамол инсонлар бўлиб вояга етшилари учун қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг натижасидир.

Хулоса ўрнида барча ёшларимизни бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажакда ўзлари хоҳлаган касбни эгаллашлари, юксак марраларни қўлга киритишларини истардим.

**Севара ЮНУСОВА,**
**Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси**

# ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УСТУВОР ВАЗИФА

***Ёшларни ишга жойлаштириш шубҳасиз, давлат аҳамиятига молик масаладир. Маълумотларга қараганда, республикамизнинг 60 фоизини айнан ёшлар ташкил этади. Ёшлар бандлигини таъминлаш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг долзарб ва узоқ муддатли вазифаси ҳисобланади.***

Бугунги кунда инсон салоҳиятининг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшлар меҳнатидан фойдаланиш соҳасидаги миллий стратегияга боғлиқдир. Меҳнат бозоридаги ёшлар аҳволини баҳолаш зарурати – бу мамлакат келажаги эканлиги ва бутун жамиятнинг истиқболдаги ривожланиши улар фаолиятининг бошланғич шароитларига боғлиқлиги билан белгиланади.

Ушбу муҳим масала бўйича Тошкент давлат юридик унверситетида "Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни сабабсиз хорижий давлатларга чиқиб кетишининг олдини олиш"га бағишланган тадбиркорлар ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Юнусобод туман Кенгаши, туман бандликка кўмаклашиш маркази, туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари ва тумандаги касб-ҳунар коллежи, академик лицейларнинг ёшлар етакчилари ва битирувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Юнусобод туман Кенгаши раиси И.Зиёдиллоев, туман бандликка кўмаклашиш маркази мутахассиси М.Зуфарова ва бошқалар бугунги кунда бутун дунёда жиноятчилик, одам савдоси, гиёҳвандлик глобал муаммога айлангани, бу каби салбий иллатларнинг илдизи билан суғуриб ташлаш, соғлом муҳитни барқарор таъминлаш барчанинг олий мақсади ҳисобланиши ҳамда ёшларнинг бандлигини таъминлаш муҳим вазифа эканлигини таъкидлашди.

Мулоқот давомида туман ИИОФМБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектори, майор Камолиддин Рустамиддинов шахсий хавфсизлик ҳақида тавсиялар берди. Туман бандликка кўмаклашиш маркази мутахассиси Мадина Зуфарова "Ёшларни иш билан таъминлаш, хорижий мамлакатларда иш топиш, меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазаси устувор вазифалардан биридир" мавзуида чиқиш қилди. "Ёшлар – келажагимиз" жамғармаси ходими Азизбек Турдимуродов томонидан "Тадбиркорлик ва шахсий бизнесни йўлга қўйиш учун имкониятлар" мавзусида тақдимот ўтказди. Тадбир сўнгида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Азизбек ИКРОМОВ,**
**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби**

**Хитой мўъжизасига нигоҳ**

# 3. АВТОМОБИЛЬ, ТИРБАНДЛИК, АТРОФ-МУҲИТ ВА ЙЎЛОВЧИ

***Бугунги кунда йирик шаҳарларда машиналар ҳаракатини йўлга қўйиш энг жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Автомобиллар тирбандлиги, улардан чиқаётган тутунларнинг осмонни қоплаши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, йўловчиларнинг катта кўчалардан ўтишдаги қийинчиликлари кундалик воқеликка айланган.***

Ер юзи аҳолисининг бешдан бир қисмига эга Хитойда ушбу муаммо қандай ҳал этилмоқда? Айниқса, аҳолисининг сони Тошкентга қараганда ўн бир баравардан ҳам кўп бўлган Чунцинда (28,9 миллион), 24,2 миллион киши яшаётган Шанхай, 21,6 миллионли Пекинда, 10 миллиондан ортиқ одам истиқомат қиладиган яна 7 шаҳардаги вазиятни тасаввур этиб кўринг. Хусусан, телевидение кўрсатувлари орқали Хитой пойтахти ва бошқа шаҳарларида яшовчиларнинг оғзи ва бурнига ниқоб тақиб юрганликларига ўзимиз кўп марта гувоҳ бўлганмиз.

Биз 2018 йил декабрь ойининг ўрталарида Пекинда бўлганимизда бундай манзарага дуч келмадик. Йўл бошловчимиз пойтахтда атроф-муҳитдаги шундай вазият ҳарорат кўтариладиган ёз ойларида кузатилишини тушунтирди. Шунинг учун ҳукумат бу ердаги саноат ишлаб чиқаришларининг аксариятини шаҳар ташқарисига кўчиришни тезлаштирмоқда.

Бироқ шаҳарлар ҳавосининг булғатилишида машиналарнинг "ҳиссаси" ҳам салмоқли. Мамлакатда рўйхатга олинган транспорт воситаларининг сони 200 миллионтага яқинлашиб қолганлиги айтилади. Уларнинг деярли ярмига яқини шахсий машиналардир. Ахир, масалан, пекинликларга ўз автомобилларини ҳам фақат шаҳар ташқарисида ҳайдашни мажбурлашнинг иложи йўқ-ку!

Аввал қайд қилганимиздек, Хитойда йилига 25 миллион атрофида енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг асосий қисми ички бозорда сотилади. Шундай бўлишига қарамасдан, йирик шаҳарларда шахсий машиналар харид қилиш осон эмас. Чунки шахсий автомобиль сотиб олиш учун аввал унинг рақамига эга бўлиш шарт.

Шунинг учун машиналар тирбандлигидан айниқса катта азият чекаётган мамлакатнинг 11 та мегаполисида Сингапурнинг автомобиллар рақамининг ким ошди савдоси жорий этилган. Жумладан, Шанхайда ҳар ой 9-10 мингта автомобиль рақами сотилади. Уни харид қилишга навбатда турганларнинг сони эса 200 мингтадан ортиқ. Бунда рақамни сотиб олишнинг бошланғич нархи хусусий шахслар учун 13 минг доллар қилиб белгиланган. Бошқача қилиб айтганда, шахсий машинани харид қилишга унинг амалдаги нархига нисбатан икки баравар кўп пул тўлашга тўғри келади. "Бахтли" рақамларнинг нархи эса бундан ўнлаб баравар юқори. Жумладан, шахсий автомобилнинг 99999 рақами 145 минг АҚШ долларига сотилгани қайд қилинган.

Амалда бу миқдорда пул тўламасдан ҳам шахсий автомобиль учун рақамга эга бўлиш мумкин. Масалан, мамлакат пойтахтида машиналар рақамларини текинга фақат лотерея орқали ютиб олса бўлади. Ушбу лотереяда эса йилига бор-йўғи 62 мингта автомобиль рақами ўйналади. Яъни атиги 62 минг пекинликлик текин рақамга эга бўлиб, автомобилни ўз бозор нархида харид қила олади. Бу ҳозирги пойтахтликлар ўз автомобиль орзуси амалга ошиши учун текин рақам ютиб олиш омадини 340 йилдан ортиқ (!) кутиши кераклигини англатади.

Рақамга эга бўлиш ким ошди савдоси тартибини четлаб ўтишга уринаётганларга Хитойда "ақлли шаҳар" рақамли технологияларини жорий қилиш орқали чек қўйилган. Чунки авваллари мегаполисларда яшайдиганлар қишлоқ жойларида ёки кичик шаҳарларда яшовчилар номига машина харид қилиб, уни ишончнома орқали ҳайдаб юришарди. Ҳозир ана шу жойларда рўйхатга олинган автомобилларнинг мегаполисларга кириши тақиқлаб қўйилган. Улар йирик шаҳарлар чеккасидаги турар жойларга қўйилиб, эгалари бу ёғига жамоат транспорти ёки таксиларда боришлари мумкин. Ана шу тақиққа амал қилмаган автомобиллар биринчи чорраҳадаёқ қайд қилинади ва унинг эгаси жуда катта жарима тўлашга мажбур бўлади.

Қоидабузарлар фақат жарима тўлаш билан қутилиб қола олмайди. Йўл ҳаракатининг ҳар бир бузилиши автомат тарзда қайд қилиб борилади. Йил давомида 12 та қоидабузарликка йўл қўйган ҳайдовчи машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Энди у яна ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ўқиши ва қайтадан имтиҳон топшириши шарт. Курсда ўқиш эса ўртача 1200 АҚШ долларига тенг.

Шахсий автомобилларни мегаполисларда яшайдиганларга ким ошди савдосида сотиш тирбандлик ва шаҳар ҳавоси бузилиши муаммосини енгиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг бир қисми. Бунинг иккинчи қисми – йирик шаҳарларда ҳаракатланишига расман рухсат берилган машиналар сонини чеклашдир. Бунинг учун иш кунлари – душанбадан жумагача рақамлари жуфт ва тоқ бўлган шахсий машиналарнинг навбат билан ҳаракатланишига ижозат бериш тартиби қўлланилади. Тушунарлироқ бўлиши учун: бир ҳафтада иш кунлари, масалан тоқ рақамли машиналарнинг душанба, чоршанба ва жумада, жуфт рақамлиларнинг – сешанба ва пайшанбада ҳаракатланишига рухсат берилади. Келгуси ҳафтада тоқ ва жуфт рақамли машиналарга ҳаракатланишга рухсат берилиши бир-бирининг ўрнини алмаштиради. Бошқача қилиб айтганда, иш кунлари шахсий машиналарга мегаполисларда ҳаракатланишга бир ҳафтада икки ёки уч кун рухсат берилади.

Ана шу тартибга амал этилиши ҳам ҳар бир чорраҳада ўрнатилган қайд қилувчи видео мосламалар орқали куну тун кузатиб борилади. Қоида бузувчи ҳайдовчининг шахсий машинаси нечта чорраҳадан ўтса, тўлайдиган жаримаси шунча миқдорда кўпайиб бораверади. Шунинг учун бунга журъат этадиганлар кам топилади.

Ўрни келганда Хитойда машина ҳайдовчилари билан йўловчиларнинг ҳам баб-баробар кўча қоидаларига қатъий амал этишлари жуда жиддий назоратга олинганлигини таъкидлаш лозим. Шахсан ўзимиз Сиан шаҳрида қизиқ манзаранинг гувоҳи бўлдик. Чорраҳада пиёдалар учун яшил чироқ ўчганига қарамасдан, бу ердан шошилиб ўтмоқчи бўлган пиёда кўчанинг нариги томонида полициячи томонидан тўхтатилди. Йўл четида стол ва стул қўйилган экан. Полиция ходими қоидабузар йўловчини шу ерга ўтқазиб, қўлига ручка ва қоғоз тутқазди. Биз у тушунтириш хати ёзаётган бўлса керак деб ўйлагандик. Йўл бошловчимиз эса вазиятга ойдинлик киритди. Маълум бўлишича, бундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйган ҳар бир пиёда ўз қўли билан кўча қоидасининг пиёдаларга доир бандларини кўчириб чиқиши, уни ёд олиши ва полиция ходимига бундан имтиҳон топшириши (!) шарт экан. У, шунингдек, бу қоидабузарлиги учун каттагина жарима тўлаши ҳам керак бўлади, албатта.

Мамлакатнинг йирик шаҳарларида юқорида қайд қилинган муаммоларни ҳал этиш мақсадида жамоат транспортини жадал ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда Хитойнинг 29 та шаҳрида метрополитен ишлаб турибди. Улардаги бекатлар сони муттасил равишда кенгайтириб турилибди. Биргина Шанхайда метрополитеннинг узунлиги 600 километрни ташкил этади. Яқин йиллар ичида яна 19 та шаҳарда метрополитенлар ишга туширилиши режаланган.

Энг қулай, атроф-муҳит учун безарар жамоат транспорт воситасидан фойдаланишда ҳам хитойликлар ўзига хос тежамкор йўл топишган. Яъни, йўловчи метрода манзилига етгач, олган чиптасини албатта махсус қутига ташлаши ёки хизматчиларга топшириши шарт. Бу мамлакатда метро чиптасидан кўп марта фойдаланилишини англатади.

Хитой мегаполисларида атроф-муҳитни соғломлаштириш учун жамоат транспортини муқобил – электр воситаларига ўтказишга киришилган. Энг аввало, мамлакатда аҳоли ўртасида жуда оммалашган – бензин билан ишлайдиган мопедларнинг ҳаракатланиши тақиқланди. Энди шаҳарларда фақат электр мопедлари ишлатилмоқда. Шундан кейин тажриба тариқасида биринчи бўлиб Шэньчжэнда жамоат транспортини ҳам муқобил – электр воситаларига ўтказиш амалга оширилди. Шаҳарда ички ёниш двигателларига эга ҳамма автобусларнинг ҳаракатланиши ман этилди. Бугунги кунда Шэньчжэнда 16,4 мингта электробус йўловчиларга хизмат қилмоқда. Таксиларнинг ҳам учдан икки қисми – 12520 таси электромобиллардир. Хитой 2020 йилгача мамлакатдаги жамоат транспортининг ярмини ана шу муқобил энергия воситаларига ўтказишни режалаган.

Хитойда 2019 йилдан бошлаб мамлакатдаги барча миллий ва маҳаллий автомобиллар ишлаб чиқарувчиларга электромобиллар бўйича квота белгилаб қўйилди. 2019 йилда улар ишлаб чиқараётган автомобиллар умумий сонининг 8,5, 2021 йилда эса – 12,5 фоизи электромобиллар бўлиши шарт.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ**
Тошкент-Пекин-Сиан-Саная-Тошкент

**Хабарлар**

# ЎЗБЕКИСТОНДА МЕДИА-ОМБУДСМАН ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистонда ОАВ ҳуқуқларини кафолатлаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш учун Медиа-омбудсман институти таъсис этилади.

Янги тузилма давлат идораларининг ОАВ фаолиятига асоссиз аралашувидан огоҳлантириш, ОАВ ҳамда давлат идоралари, жисмоний, юридик шахслар ўртасидаги низоли ҳолатларни ҳал қилиш билан шуғулланади.

Медиа-омбудсман ОАВ томонидан давлатнинг амалдаги қонунчилигига, жумладан, ахборот соҳасига оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини ҳам назорат қилади.

Ахборот истеъмолчилари ва ОАВ билан ишлаш имконини берувчи Медиа-омбудсман институтининг таъсис этилиши журналистларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва этикасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Медиа-омбудсман институти Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги қошида ташкил этилади, ҳозирда тегишли норматив ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

# ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНГИ ОЛИМПИЯ СТАДИОНИ ҚУРИЛАДИ

Тошкентда янги олимпия стадиони барпо этилиши режалаштирилмоқда. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон 2030 йилги Осиё ўйинларига мезбонлик қилиш учун ариза топширади. Аризада мусобақаларни ташкил қилиш бўйича махсус дастур яратилади.

Айнан мана шу дастурга биноан пойтахтда олимпия стандартларига жавоб бера оладиган янги стадион қурилиши лойиҳаси ҳам тақдим этилади. Стадион Осиё ўйинларининг очилиш ва ёпилиши маросими, шунингдек, футбол, енгил атлетика мусобақаларини ўзида жам қилади.

Ҳозирча стадионнинг сиғими қанча бўлиши ҳақида маълумотлар йўқ. Шунингдек, унинг Тошкентнинг қайси қисмида қурилишига ҳам аниқлик киритилмаган.

Айни вақтда бу лойиҳа кўринишида қолмоқда. Стадион қурилиши учун даставвал Ўзбекистон Осиё ўйинларига мезбонлик ҳуқуқини қўлга киритиши лозим.

# 7 ТА ЗАМОНАВИЙ ПОЕЗД КЕЛТИРИЛАДИ

Тошкент Метрополитени жорий йилда 28 та вагондан иборат 7 та замонавий поездга эга бўлади. Вагонларни модернизация қилиш Тошкентдаги йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводида амалга оширилмоқда.

Марказий Осиёда ягона бўлган "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси ҳар йили ўз салоҳиятини ошириб бормоқда.

2014 йилда завод метро вагонларини модернизациялашган ишлаб чиқариш бўйича халқаро сертификат олган. Ўша пайтдан бошлаб эски метро вагонлари тўлиқ таъмирланиб, янги дизайнга эга бўлмоқда.

2014-2018 йиллар мобайнида корхонада таркибида 56 та вагон мавжуд бўлган 14 та метро поезди таъмирланган. Фақат ўтган 2018 йилда завод мутахассислари 24 та вагонни қайта таъмирлаган.

Жорий йилда 28 та йўловчи таркибини тўлиқ такомиллаштириш режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу поездлардан бири тест синовидан ўтказилганди.

Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида метро автомобилларини модернизация қилишда ишлатиладиган таркибий қисмларнинг 30-40 фоизи заводнинг ўзида ишлаб чиқарилади.

Модернизацияланган вагонларнинг хизмат муддати 15 йилга узайтирилган.

# ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ГУВОҲНОМАСИ ID-КАРТА КЎРИНИШИДА БЎЛАДИ

2019 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси журналистининг умумэътироф этилган миллий гувоҳномасини жорий этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш режалаштирилмоқда. Унга кўра, ушбу гувоҳнома Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг голограмма муҳри билан тасдиқланган ID-карта кўринишида бўлиб, унда гувоҳнома эгаси ҳақида маълумот, фотосурат, ҳимояланган шахсий штрих-код мавжуд бўлади.

Миллий гувоҳнома Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан аккредитациядан ўтказилган журналистларга бепул тақдим этилади. Гувоҳнома журналистнинг ҳақиқатан профессионал касб эгаси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур гувоҳнома журналистларга касби юзасидан вазирликлар ва бошқа давлат идораларига, жамоатчилик ва маданий жойларга (кўргазма, театр, кинотеатр, музей, концерт, кўнгилочар ва дам олиш ҳудудлари, спорт мусобақалари ва бошқа оммавий тадбирлар) тўсиқларсиз кириш, ахборот олиш, материалларни тайёрлаш ва тарқатишда ҳамкорлик қилиш, шунингдек, вазирликлар ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда идораларнинг ички тадбирларида иштирок этиш имконини беради.

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФИЛИАЛИ ОЧИЛАДИ

Филиалга юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида бу борада атрофлича баён этилди.

Мазкур ҳужжатга кўра, Адлия вазирлиги, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали ташкил этиладиган бўлди.

Филиалга юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, бу ерда назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган замонавий шакл ва усуллар, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқув жараёнини таълим беришнинг модул тизими асосида ташкил этилади. Таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг самарали тизимини яратиш ишларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, янги филиал юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан, хорижий мамлакатлардаги муассасалар билан ўзаро самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштиради.

**Турли манбалар асосида тайёрланди**





## Футбол янгиликлари

# РУСТАМ АШУРМАТОВ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА

***Ўтган йилги мавсумни "Бунёдкор" футбол клуби таркибида ўтказган ҳимоячи, миллий терма жамоага номзод Рустам Ашурматов Жанубий Кореяга борадиган бўлди.***

Гап шундаки, энди Рустам Ашурматов футболчилик фаолиятини Жанубий Кореянинг "Гвангжу" клубида легионер сифатида давом эттиради.

Бу ҳақда championat.asia хабар тарқатди. Рустам Ашурматов айни пайтда янги жамоаси сафида Японияда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинида иштирок этмоқда. "Гвангжу" Жанубий Корея К-2 лигасида қатнашади. Бу жамоада бразилиялик легионерлардан ташқари ўзбекистонликларга яхши таниш бўлган япониялик Сато Минори ҳам 2018 йилда ўйнаган.

# СУПЕРКУБОК БАҲСИ "ПАХТАКОР" СТАДИОНИДА ЎТКАЗИЛАДИ

***Мамлакатимиздаги янги футбол мавсумини Ўзбекистон Суперкубоги учун уюштириладиган баҳс очиб беради.***

Мазкур учрашувда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Локомотив" ҳамда Ўзбекистон кубоги соҳиби Олмалиқнинг АГМК жамоаси ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришади. Ўзбекистон Суперкубоги баҳси 23 февраль куни "Пахтакор" марказий стадионида бўлиб ўтади.

Соат 15:00 да бошланадиган Ўзбекистон Суперкубоги ўйини "Спорт" телеканалида тўғридан-тўғри намойиш этилади. "Локомотив" ва АГМК учрашувидан аввал ва танаффус вақтида эл суйган санъаткорлар иштирокида концерт дастури, турли хил тадбирлар, акциялар уюштирилиши режалаштирилмоқда.

# ТАРКИБ КУЧАЙМОҚДА

***Жорий йилги мавсумда ўз олдиларига жиддий мақсадларни қўйган "Пахтакор" клуби раҳбарлари жамоа таркибини маҳоратли футболчилар билан кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда.***

Шу пайтга қадар "Насаф" шарафини ҳимоя қилган моҳир ярим ҳимоячиси, миллий терма жамоамиз аъзоси Одил Ҳамробеков энди фаолиятини "Пахтакор" сафида давом эттиради. "Пахтакор" расмийлари Одил Ҳамробеков билан тузилган шартномани тақдим қилишди.

БААдаги йиғин доирасида пахтакорчилар Швеция олий дивизиони вакили "Эребру" клубига қарши назорат-учрашувида майдонга тушишди. Анча қизиқарли ва шиддатли кечган баҳс 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунига етди.

"Пахтакор" томонидан рақиб дарвозасини Акром Комилов ҳамда Жалолиддин Машарипов аниқ нишонга олишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА БАРЧА МАСЪУЛ

***Тошкент шаҳар Ёшлар марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти билан ҳамкорликда "Жиноятчиликнинг олдини олишда маданият ва санъатнинг роли" мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.***

Ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи, тарбияси оғир, нотинч, ноқобил ва нотўлиқ оилаларда ўсаётган, махсус ҳисобдан чиқарилган оила фарзандларини жамоатчиликка мослаштиришни тўғри йўлга солиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони, Ҳарбий-техника институти профессор-ўқитувчилари ҳамда курсантлари, фаол ёшлар ва Олмазор туманида истиқомат қилувчи турли ёшдаги фуқаролар ҳамда туман ички ишлар ходимлари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ўзининг "Жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда кино ва театр санъатининг аҳамияти", Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова "Оилаларда келишмовчилик ва низоларнинг олдини олишда аёлларнинг тутган ўрни", Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов "Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда таълим ва тарбиянинг роли" мавзусидаги ўзларининг қизиқарли ва ҳаётий мисоллар билан жилоланган маърузалари билан анжуман иштирокчиларини баҳраманд этишди.

Бугунги кунда терроризм ва диний экстремизм оқимлари глобал муаммога айланиб улгурганлиги барчага аён. Диний масалалар орқали ушбу муаммога қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг масъул ходими Илхом Маъруфов "Ёшларни бегона оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишнинг долзарб масалалари" мавзусида маъруза қилди.

Ўйлаймизки бу каби тадбирлар ёшларни огоҳ бўлишга, юртимизда яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишга ундайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси фаолиятига оид видеоролик намойиш этилди.

**Анатолий КЕЧИН**

## Қатралар

### МЕҲР

Янги келин лаганга сузилган ошни дастурхон ўртасига қўйди.

– Бошланг, дадаси, – деди Ҳури опа. – Келинингиз ихлос билан ош қилибди.

– Қани, олинглар. Барака топсин, келиним.

Жавлон ака шўр, гуручлари тирик, "қитир-қитир" паловни чайнаб, Ҳури опага: "Овқатни ёмон дема, индамай еявер, келиннинг кўнглига келмасин", деган маънода имо қилиб қўйди.

– Ошим ўхшамабдими? – деди келини озгина тотингач, қўлини сочиққа артиб.

– Секин-аста ўхшатиб қоларсиз, – юпатди Жавлон ака.

Ошнинг норак қисми ҳам ейилмади. Қолганини молнинг емига қўшилди.

– Сўраб ўрганиш айб эмас, болам, – насиҳат қилди эртаси куни қайнона келинига. – Сўрасангиз ўргатардим. Қаранг, қанча масаллиқ увол бўлди, қанча меҳнат зое кетди.

"Хўп, ойижон, сўраб-сўраб билмаганимни ўрганаман сиздан", деган гапни кутди-ю, келиндан садо чиқмади. Охири "ўрганиб қоларман", дея ҳовлидаги хазонни супура бошлади. Кўча дарвозасига яқинлашганида қўшни аёлнинг қайнонасига мақтанаётганини эшитди.

– Келиним пазанда экан, қилган овқатлари бир-биридан ширин. Сизларга ҳам қилган ошдан озгина илиндим. Олинг, – қўшни аёл қўярда-қўймай Ҳури опага бир коса ош тутқизди.

– Менинг келиним ҳам мақтаса мақтагудек, қўшнижон, – деди опа ҳам бўш келмай ошни оларкан, – овқатгаям пазанда. Қўли гул, юмушга бирам чаққонки...

Янги келиннинг қайнонасига меҳри товланиб кетди.

– Ойижон, – деди у. – Бугун ошга уннайман. Кам-кўстини ўргатиб турасиз-а? Ширин бўлса, қўшнининг косасига ҳам ош солиб чиқамиз.

– Хўп болам, уннайверинг. Қўшнининг ошидан ҳам ширин бўлиб кетсин паловингиз.

### ЧИРОҚ

Янги келин келди-ю, хонадонга файз кирди.

– Тани жонингиз соғ бўлсин, энди ҳужрадаги нарсаларни тозалаб, саранжомлаб қўйинг, мен ҳам қарашвораман, – деди хола келинига.

– Ўзим қиламан, сиз уринманг, – деди келин уй-рўзғор анжомларини артиб, тартиб билан қўяркан. Навбат эски лампага қолганда келин:

"Лампочкалар тунни машъалдек ёритиб турган бўлса, кимга керак бу? Уни тозалагунча бошқа қанча ишни битираман. Ҳозирча тура турсин", дея четроққа суриб қўйди.

Бир ҳафта ўтди. Хонадондаги электр чироқлар вақтинча ўчди. Ҳаммаёқ зим-зиё. Даладан елини тирсиллаб келган сигир типирчилайди. Қозондаги ош тановулга интизор. Нима қилиш керак?

– Айтгандай, эски лампа бор эди шекилли, артиб суртиб қўйгандингиз-а, болам? – сўраб қолди хола.

– Ҳа, ҳозир ойижон, – ҳужрага шошилди келин. Гугурт чақиб лампани топди. Пилигини хиёл кўтариб ёқди-да, ёруғида шишасини артишга тушди. "Одам шу чироққа ҳам зориқаркан, нега шуни вақтида созлаб қўймадим!".

Оддий лампа чироғи ёруғида хонадондаги ҳаёт яна изига тушди.

– Аждодларимиз шу чироқ билан иш тикишган. Бу чироқни унутмасак, фаровон ҳаётимизнинг қадрига яна ҳам етган бўламиз, – деди Солиҳ ака.

– Яхшиям келинингиз лампани тозалаб қўйгани, – севиниб деди хола.

– Барака топинг. Бахтли бўлинг, – миннатдор бўлди Солиҳ ака.

Ўртадаги чироқ бўлса келинга: "Оталар чироғиман, мени унутма. Нурни нурга улайман. Мен борман юзинг ёруғ, хонадон файзли", дегандек нур сочарди.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

## Соғлом бўлай десангиз

# ИНСУЛЬТДАН САҚЛАНИШНИНГ ОДДИЙ УСУЛИ

Ҳар куни ярим соат пиёда сайр қилиш инсульт ва қон қуйилиши билан боғлиқ касалликларга чалиниш хавфини пасайтиради. Жисмоний фаоллик ва инсульт оқибати даражаси ўртасидаги боғлиқликни янада яхшироқ тушунишимиз учун кўпроқ кузатув ва тажрибалар олиб борилмоқда.

Суннерхаген ва унинг ҳамкасблари бир неча йил давомида университет клиникасида инсультга дучор бўлган ва даволаниш курсини ўтаган 2300га яқин беморга тегишли маълумотларни ўрганиб чиқишди. Шифокорлар беморларни даволаш билан бирга уларнинг қандай таомлар истеъмол қилиши, турмуш тарзи ва мия қон томирлари иши билан боғлиқ бошқа омилларни ўрганди. Маълум бўлишича, инсультнинг оғир шакли ривожланишининг асосий сабаби жисмоний фаол бўлмаслик ва кўп ўтириш экан. Ана шундай суст ҳаёт кечирувчилар мияга қон қуйилишига мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланадиганларга нисбатан 1, 2 марта кўпроқ дуч келар экан.

Шифокорларнинг сўзларига кўра, ҳафтасига тахминан тўрт соат ёки кунига ярим соат пиёда сайр қилиш ва енгил жисмоний машғулотларни бажариш инсультнинг нохуш оқибатларига дуч келишдан сақлайди. Суннерхагеннинг таъкидлашича, сайр ва жисмоний машғулотлар инсультдан ҳимоя қилувчи асосий ёки ягона омил, деб хулоса чиқаришга ҳали эрта. Олимлар дарҳақиқат шундаймийўқми эканлигини аниқлаш учун янада кўпроқ одамлар гуруҳини кузатишни режалаштиришган.

# ТИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЯНГИ САБАБИ АНИҚЛАНДИ

Америкалик тиббиёт ходимларининг кўрсатишича, ортиқча вазн оғиз бўшлиғи, жумладан, тишлар касаллиги ривожига туртки беради. Олимлар тиш шифокорларининг тана массаси нормал ва ортиқча бўлган 160 беморни кузатиб боришди. Тана массаси индекси 23 дан кўп бўлган кишиларда одатий тана массасига эга бўлганлардан фарқли равишда, анча оғирроқ периодонтит ривожланган. Индекси 25 дан кўп бўлганлар эса, пародонтитга олти бора кўпроқ чалиниши мумкин экан. Олимларнинг таъкидлашича, семизлик афтидан, оғиз бўшлиғидаги яллиғланиш жараёнларига олиб келади. Маълумот учун, тана массаси индекси тана массасининг тана узунлиги квадратига (метрда) нисбатан аниқланади.

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

**Ҳосилнинг чўғи ўримда билинади.**

* * *

**Бировнинг ёрдами миннатли бўлади.**

* * *

**Кўнгил – сирлар сандиғи.**

* * *

**Ширин сўзнинг сеҳри бор.**

* * *

**Одамлар бировнинг яхшилигини эмас, ёмонлигини гапирадилар.**

* * *

**Ҳисоб-китоби тўғри киши аросатда қолмайди.**

* * *

**Сохтакорлик дарҳол кўзга ташланади.**

* * *

**Одамзод бошқаларга ҳавас қилиб яшайди.**

* * *

**Кўп нарса кишининг ўзига боғлиқ.**

* * *

**Молу давлатнинг ўзи бахтли бўлиш учун кифоя эмас.**

* * *

**Нодоннинг кўнгли тор бўлади.**

* * *

**Қўлидан иш келган хор бўлмайди.**

* * *

**Бировнинг кўнглига йўл топиш қийин.**

* * *

**Аҳмоққа ён берсанг, балога қоласан.**

* * *

**Ёмоннинг ўзи ҳам кун кўрмайди, бошқага ҳам кун бермайди.**

* * *

**Ўзини кўрсатишга уриниш жаҳолатдан.**

* * *

**Доно айбни ўзидан қидиради, нодон ўзгадан.**

* * *

**Ваъдани ҳамма ҳам беради, лекин жуда оз киши унга вафо қилади.**

* * *

**Яхшининг яхшилиги ўзидан узоқ яшайди, ёмоннинг ёмонлиги ўзидан қисқа.**

* * *

**Яхши фарзанд раҳмат келтирар, Ёмон фарзанд лаънат келтирар.**

* * *

**Нодонлар топишса, донога йўл беришмайди.**

* * *

**Ҳамма нарсани ўз устига олиб, ўзини қийнайдиганлар бор.**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎзМУ томонидан 2003 йилда Мансуров Дилшод Мансур ўғли номига берилган В № 141897 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Молия институти қошидаги молия академик лицейи томонидан 2010 йилда Абдулкайимова Одинахонга берилган L № 098239 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани, Аллон тор кўчаси, 82-уй учун Махмудов Махамаджон Мухамеджонович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан 1995 йилда Махмудов Абдумурат Тухтарович номига берилган 001327 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи М.Тоҳиров раислигида 21.02.2019 йил соат 10:00 дан 13:00 гача жисмоний ва юридик шахслар иштирокида сайёр қабул ўтказилади. Сайёр қабул манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани "INVEST FINANS BANKI"нинг Шайхонтоҳур филиалида бўлиб ўтади.

Сайёр қабулда туманда жойлашган барча тижорат банк раҳбарлари ва масъул ходимлар иштирок этадилар. Мурожаат учун телефонлар: (71) 212-61-51, (71) 212-60-58.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 7-бизнес мактаб томонидан 1999 йилда Кондрух Илхом Исмоилович номига берилган № 278823 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергели тиббиёт коллежи томонидан Бабаохунов Асомиддинхон Фахриддин ўғлига 2016 йилда берилган К № 4455189 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **13 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундига 7-12 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 4-6, кундузи – 9-11 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 февралда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г-2 46
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2358 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15:30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ